

ISLAMONLINE.UZ

TAVORIX

Тарих



## "МЮНХЕН ФИТНАСИ" Мюнхен битими, Чехословакия инқироzi



1938 йилги Мюнхен битими (шунингдек, "Мюнхен фитнаси" деб ҳам номланади) – 1938 йил 30 сентябрь куни Германия, Италия, Буюк Британия ва Франция ҳукумати раҳбарлари томонидан имзоланган битим. Бу чегара ҳудуди саналган, аҳоли таркибида немислар кўпчиликти ташкил қилган Судет вилоятининг Чехословакиядан ажралиб чиқиши ва унинг Германияга қўшилишини назарда тутган. Бу иккинчи Жаҳон урушидан олдинги ва унинг бошланишига хизмат қилган энг муҳим воқеалардан бири ҳисобланади.

## **Чехословакия**

1938 вокеалари биринчи Жахон уруши натижаларининг натижаси эди. Унинг окибатларидан бири Чехословакия Республикаси ташкил килиниши бўлиб, 1930 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига мувофик унинг ҳудудида 3,5 миллиондан кўпроқ немислар яшаган. Чехиянинг Судет вилояти деб аталган ҳамда Германия ва Австрия билан чегарадош бир катор ҳудудларида немислар аҳолининг кўпчилигини ташкил килди. Немислар ўз тилларида таълим олиш ҳукукига, ўз сиёсий партияларига эга эдилар.

Кучли армияга эга бўлган Чехословакия Германия билан чегарада кудратли харбий истехкомлар курди. 1935 йилда у СССР ва Франциядан хавфсизлик кафолати олди. Уларга кўра, Чехословакия расмийларидан тегишли мурожаат келиб тушган тақдирда, Франция шундай қилган тақдирда Совет Иттифоқи Чехословакияга ёрдамга келиши керак. 1938 йил март ойида Гитлер Чехословакия билан "яшил" уруш режасини ишлаб чиқди.

## **Биринчи Судет инкирози**

1933 йил Германияда ҳокимият тепасига янги кучлар келганидан кейин, Чехословакия немислари орасида айирмачилик кайфияти кучайди. Судет-немис партияси (шунингдек, унинг раҳбари К. Генлейн номидан "генлейнчилар партияси" деб номланган) уларнинг манфаатларини ифодалай бошлади. У Судет вилоятини Чехословакиядан олиб чиқиш ва уни учинчи Рейхга қўшиб олиш учун очик йўл кўрсатди. Партия 1938 йил феврал ойида Чехословакияда немисларнинг дахшатли ҳолатини эълон қилган Германия раҳбари А. Гитлернинг очик қўллаб-қувватлашидан фойдаланди.

1938 йил мартида Австрия қўшиб олинганиан сўнг, судет-немис партияси дадил ҳаракатларга ўтди. 24 апрелда Судет вилоятининг кенг автономиясини талаб қилиб, Карлсбад дастурини қабул қилди. Шунингдек, партия вакиллари Судет вилоятини Германияга қўшиб олиш бўйича референдумга тайёргарлик кўрганини маълум қилди. 22 Май куни "Хенлинчилар" путчини режалаштиришди, немис армияси эса Чехословакия чегарасига тортилди. Бу биринчи Судет инкирози сабаб бўлди.

Бунга жавобан Чехословакия ҳукумати қисман сафарбарлик эълон қилди, Судетга қўшин келтирди ва давлат тўнтариши уюштирилишига йўл қўймади. СССР, Франция ва Италия Германиянинг ҳаракатларига норозилик билдирди. Чехословакия Президенти, Э.

Бенеш бир катор енгилликлар килиш учун тайёр эканлигини, лекин Германия фойдасига Судетдан воз кечмаслигини билдирди. Совет Иттифоки Чехословакияга харбий ёрдам кўрсатиш истагини тасдиклади, бироқ умумий чегаранинг йўклиги ва Польшанинг Кизил армияни ўз худуди оркали қўйиб юборишдан бош тортгани туфайли буни амалга ошириш кийин эди. Акс холда, Польша ҳукумати СССРга уруш билан таҳдид килди.

Биринчи Судет инкирози тугагандан сўнг Чехословакия ҳукумати ва Германия томонидан қўллаб-қувватланган судет-немис Германия партияси ўртасида музокаралар бошланди. Уларда воситачи ролини Буюк Британия ўз зиммасига олди, у ўз миссиясини Лорд В. Ренсиман бошчилигидаги Чехословакияга юборди. Миссия 1938 йил 3 августдан 16 сентябргача давом этди. Музокаралар чоғида Судет немисларининг вакиллари ён беришлар ва кенг мухторият гоёсини рад этдилар. Натижада Ренсимен Чехословакиядан немис аҳолиси устун бўлган худудларни бегоналаштириш гоёсига суянди.

### **Иккинчи Судет инкирози**

1938 йил сентябрида иккинчи Судет инкирози бошланди. Судет вилоятида маҳаллий немислар ва Чехословакия армияси ўртасида тукнашувлар бошланди. 7 сентябрда К.Генлейн Чехословакия ҳукумати билан музокараларни тўхтатди. Шу куни, ўз мажбуриятларига амал қилиб, Франция резервистларни сафарабр килди. Аммо 11 сентябр куни Франция Буюк Британия билан биргаликда уруш юз берган тақдирда Чехословакияни қўллаб-қувватлашини очик маълум килди. Бироқ, Агар Германия уруш бошламаса, унинг талаблари қондирилади.

12 сентябрда А.Гитлер Нюрнбергда бўлиб ўтган НСДАП съездида агар Чехословакия уларни таъкиб қилишни тўхтатмаса, Судет немисларига ёрдам кўрсатишга тайёрлигини маълум килди. Худди шу куни Судетда янги исён қўтарилди, К.Генлейн Чехословакия қўшинларини олиб чиқишни ва тартибни химоя қилишни маҳаллий отрядларга топширишни талаб килди. Чехословакия 15 сентябрга келиб давлат тўнтаришини бостирди.

15 сентябрдаойида А. Гитлер Германияга келган Британия Бош вазири Н. Чемберленга Судет туфайли Чехословакия билан уруш бошлашга тайёрлиги хақида хабар берди. Лекин у Чехословакия ҳукумати Судет вилоятини Германияга ўтказишга рози бўлса, урушнинг олдини олиш мумкинлигини шарт қилиб қўйди. Чемберлен рози бўлди. 18 сентябрь куни Лондонда бўлиб ўтган Британия-Франция музокаралари чоғида Франция Судетнинг топширишига розилик берди.

19-сентябр куни Президент Бенеш СССРдан Франция шу ишни қилмаса ҳам, Польша ва Руминия совет қўшинларини ўз худуди оркали ихтиёрий равишда қўйиб юборишдан бош тортса ҳам, Совет Иттифоки Чехословакияга ёрдамга қилишга тайёр эканлиги хақида қафолат олди. 23 сентябр куни Женевада Миллатлар Лигаси йигилишида сўзлаган нутқида Чехословакияга ёрдам беришга тайёрлик СССР ташки ишлар Халқ комиссари М. М. Литвинов томонидан тасдиқланган. Совет Иттифоки ҳам бир катор бўлинмаларини жанговар тайёргарлик ҳолатига келтириб қўйди.

19 сентябр куни Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари ўзларининг қўшма баёнотини

Чехословакия ҳукуматига етказди. Унда Европада хавфсизликни таъминлаш ва Чехословакиянинг ўзида хавфсизликни таъминлаш учун аҳолининг кўпчилик қисми немислар бўлган ҳудудларни учинчи Рейхга ўтказиш кераклиги таъкидланган. Бу бевосита ёки плебисцит орқали амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу инглиз ва французларнинг фикрига кўра, жуда кийин эди. Буюк Британия ва Франция ҳам келажакда Чехословакия хавфсизлигини кафолатлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Шу билан бирга, Буюк Британия ва Франция СССРнинг Чехословакияни Миллатлар Лигасида жамоавий кўллаб-қувватлаш масаласини муҳокама қилиш бўйича таклифларига тўсқинлик қилди. Чехословакия ҳукумати дастлаб Лондон ва Парижнинг таклифига рози бўлмади. Бирок 21 сентябр куни Британия ва Франциянинг Чехословакиядаги элчилари мамлакат Англия-Франция таклифини бажармаса, ёрдамдан умид қилмаслигини айтди. Натижада Чехословакия ҳукумати гарб давлатларининг режасига рози бўлди.

1938 йил 22 сентябрда Полтша Чехословакиянинг шимолидаги Тесин вилоятига даъво қилди. Бунга жавобан, Совет Иттифоқи Польша кўшинлари Чехословакияга бостириб кирса, у билан ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақидаги битимини бузиш билан таҳдид қилди. Худди шу куни Н. Чемберлен билан янги учрашувда А. Гитлер Судетни 28 сентябргача Германияга топширишни талаб қилди. Шунингдек, у Тешин Силезияни Польшага, аҳоли таркибида венгерлар қўшган Словакиянинг жанубий қисмини эса Венгрияга ўтказишни талаб қилди.

23 сентябрь куни Чехословакия умумий сафарбарлик эълон қилди. Орадан тўрт кун ўтиб, Гитлер Буюк Британия ва Франция элчилари билан суҳбатда, агар унинг талаблари қўбўлмас, уруш бошлашга тайёрлигини тақдирлади. Эртаси куни Чемберлен учинчи Рейх раҳбарини урушсиз керакли нарсани олиши мумкинлигига ишонтирди.

## **Мюнхен битими**

1938 йил 29 сентябрда Мюнхенда А. Гитлер, Н. Чемберлен, Франция ҳукумати раҳбари Э. Даладье ва Италия раҳбари Б. Муссолини ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Чехословакия вакилларига бўлажак қелишувни муҳокама қилишга рухсат берилмади.

СССР ҳам йиғилишда қатнашмади. Якуний ҳужжат 30 сентябр куни кечаси соат тахминан бирда имзоланди, шундан сўнг Чехословакия делегациясига у билан танишиш учун залга киришга рухсат берилди.

Ҳужжатга кўра, 1 октябрдан 10 октябргача бўлган даврда Чехословакия немис аҳолиси кўпчиликти ташкил қиладиган ҳудудларни Германияга топширишни ўз зиммасига олади. Шартнома икки мамлакат ўртасида аҳоли алмашинуви имкониятини тақдим этди. Бир қатор бахсли ҳудудларда олти ой ичида Германия, Буюк Британия, Франция ва Италия вакилларида иборат халқаро комиссия назорати остида плебисцитлар ўтказилиши керак эди.

Буюк Британия ва Франция Чехословакиянинг янги чегаралари кафолатларини эълон

килдилар. Худудининг бир кисмини Польша ва Венгрияга бериш масаласи хал килинган, Германия ва Италия ҳам уларнинг хавфсизлик кафолатини таъминлашга ҳам тайёр эди. Чехословакия бу масалани уч ой ичида Польша ва Венгрия озчиликлари билан хал килиши керак эди - акс холда, бу масала хужжатни имзолаган тўрт давлатнинг йигилиши юрисдикциясига ўтказиларди.

### **Чехословакиянинг бўлиниши**

30 сентябр куни Чехословакия Президенти Э. Бенеш таклиф этилган шартномага рози бўлди. 1 октябрдан бошлаб Германия ва Польша тегишлича Судет ва Тешин вилоятларига кўшин киритди. Судет худудида учинчи Рейхнинг маъмурий бирлиги Судетенланд ташкил топди. 2 ноябр куни биринчи Вена арбитраж қарори билан, Венгрия Жанубий Словакияни эгаллади. Чехословакия ўз худуди ва аҳолининг учдан бир кисмини, саноат салоҳиятининг 40%га яқини ва Германия чегарасидаги кучли ҳарбий истехкомларини йўқотди.

Чехословакия ичида ҳам марказдан кочма тенденциялар кучайди. 7-8 октябрь кунлари ҳукумат ҳукумати Словакия ва Карпатбўй Русига кенг муҳторият берди. Мамлакат Чехо-Словакия ёки иккинчи Чехо-Словак Республикаси деб номланди. У Словакия муҳторият раҳбарияти Берлинга ташрифидан кейин мустақил давлат шаклланишини эълон қилгунга қадар, яъни 1969 йил 14 мартга қадар давом этди.

1939 йил 15 март куни Германия кўшинлари Чехия Республикаси қолган кисмини эгаллади, бир кун ўтиб, учинчи Рейхга бўйсинувчи Богемия ва Моравия протекторати ташкил этилди. Мюнхен битимидаги мажбуриятларига зид равишда Буюк Британия ва Франция Чехословакия ва Чехияни ҳимоя қилиш учун ўз кўшинларини юбормадилар. Бу қўлаб тарихчиларга Гарб кучларининг "тажовузкорни тинчлантириш" сиёсатининг муваффақиятсизлиги ҳақида гапиришга олиб келди ва воқеалар "Мюнхен фитнаси" деб аталди.

1938 йил сентябр ойида Совет Иттифоқи гарбий чегарасида ўз кўшинларини тўлиқ жанговар ҳолатга келтирди ва бу ҳолат 25 октябрга қадар давом этди. СССР расман Мюнхен битим қўллаб-қувватлашни рад этди 1939 йил ва 19 март куни Чехия Республикаси ишғол қилинганини тан олишдан бош тортди.

Буюк Британия 1942 йил 5 августда Мюнхен битими остидаги имзосини қайтиб олди. Франциянинг имзоси қайтиб олиниши ҳақида 1942 йил 29 сентябрда француз қаршилик ҳаракати бошлиғи генерал Ш. Де Голл эълон қилди. Италия 1944 йилда ўз имзосидан воз кечди. 1942 йил 9 июнда СССР Чехословакиянинг собиқ чегараларини тиклаш зарурлигини эълон қилди. Кейинчалик гарб давлатлари вакиллари ҳам бунга қўшилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Судет вилояти яна Чехословакия таркибига қайтди, маҳаллий немис аҳолиси Германия ва Австрияга қўчириб юборилди. Мюнхен битими остидаги якуний нукта қизик Чехословакия ва ГФР томонидан 1973 йил 11 декабр шартномасида қўйилди ва у «ахамиятсиз» деб аталди.

Абу Муслим таржимаси